



O'ZBEKISTON O'VOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2016-yil, 19-iyul. Seshanba • 84 (32.143)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

■ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ МИНБАРИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РУҲИ БАЛАНД

Ҳар гал сайловчилар ҳузурига ҳаяжон билан бораман. Чунки уларнинг дунёқарашини кенг, олам янгиликларидан хабардор, ҳар бири зукко ва зийрак. Улар билан мулоқотларда бир-биримиздан кўп нарса ўрганимиз, муаммоларга биргаликда ечим излаймиз.

Деҳқонobod туманида, мен сайланган 122-Ғузор сайлов округи ҳудудидида «Оқиртма» деган қишлоқ бор. Одамлари меҳнаткаш, самимий, ҳақгўй, энг муҳими, шукронали эл. Бу ерда 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, 2 мактаб, 1 коллеж, касалхона, қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаяпти.

Учрашувларга бориб, дарров сезганим шуки, сайловчиларнинг кайфияти аъло, руҳи баланд. Улар давлатимиз тутаётган йўл, бугунги сиёсатни қўллаб-қувватлаяпти. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг шу йил 30 июнь-1 июль кунлари Қашқадарё вилоятига бўлган ташрифи, бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида одамлар билан самимий суҳбатлашгани, қашқадарёликлар шаънига яна илиқ сўзлар айтгани одамларнинг кайфиятини кўтаргани яққол сезилди. Давлатимиз раҳбарининг «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир», деган сўзлари вилоят аҳлининг кўнглини осмон қадар кўтарди, уларни янги меҳнат зафарларига чорлади.

Шу ўринда яна бир мисолни айтмай ўтолмайман. Бу қашқадарёликларнинг миннатдорлик сўзлари, шукронаси. Яқинда Қарши шаҳрига «Афросиёб» тез юрар поезди қатнай бошлади. Бундан ҳаммининг кўнгли шод. Мен 80-йилларда талаба бўлганман. Ўшанда «Тошкент — Кито» йўналиши бўйича ягона поезд қатнар эди. У ҳам ҳар кунни эмас, кунора. Ўн икки-ўн тўрт соатлаб йўл юрар эдик. Кунимиз, тунигимиз йўлда ўтар эди. Бугун манзилга 3 соатда етаямиз. Кейин яна ўйлайман... Кеча ким эдигу бугун киммиз, қандай марраларни қўлга киритдик?!

«Оқиртма» қишлоғидаги сайловчилар ҳам бу ҳақда тўлиб-тошиб, ҳаяжонланиб тапирди. Ўзларини ўйлантираётган айрим масалалар ҳусусида таклифлари, мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, сайловчилар қишлоқда уяли алоқа йўқлиги, интернетдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслиги, бу эса замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишда, айниқса, ёшларга ноқулайликлар туғдираётгани тўғрисида айтишди. Бу масалада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига бир неча марта мурожаат қилганман. Яқинда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари «Оқиртма» қишлоғида «ЎзМобайл» мобил алоқа тармоғи хизматини ташкил этиш бўйича ишлар бошланганини маълум қилди.

Бундан ташқари, учрашувларда «Оқсув — Деҳқонobod» сув қувири қурилиши, ёшлар учун спорт майдончалари, тўтараклар, нуронийлар учун дам олиш масканлари сонини янада кўпайтириш масалаларида ҳам таклифлар билдирилди.

Хулосам шуки, ўзгариш, янгиланиш, ривожланиш ҳар кунни, ҳар лаҳзада сезиляпти. Сайловчилар билан бўлган учрашувлардан руҳим баланд бўлиб қайтдим. Элнинг ишончини оқлаш учун янада фидойи бўлиб ишлашимиз зарурлигини юрак-юракдан ҳис қилдим.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

■ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

Бухоро. Бу кўҳна ва навқирон шаҳар ҳақида гап кетганда, аввало, Президентимизнинг қуйидаги сўзлари эсга тушади:

«Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллимизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўрамиз.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилиқ салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради».



Бухоро вилоят мусикали драма театрининг ҳозирги кўриниши

БУХОРО: БУГУН ВА КЕЧА

Мустабиллик йилларида бу кўҳна заминнинг улуг фарзандлари номлари қораланди, бебаҳо ёдгорликлари, обида ва осори атиқалари вайрон қилинди... Лекин мустақиллик уларни асл ҳолича тиклаш, кейинги авлодларга қандай бўлса, шундай кўришнича етказиш, улуг аждодларимиз номларини оқлашга имкон берди.

Бугун Бухоро кўчаларини айлансангиз, ҳар қадамда салобат тўкиб турган чиройли иншоотларга кўзингиз тушади. Кўримсиз бинолар ўрни замонавий қошоналар эгаллаган. Бундан 30-40 йил илгариги пастқам, оддийгина лойсувоқдан қилинган пахса уйлар билан бугунги муҳташам, обод ва кўркем иморатлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор...

► Давоми 4-бетда.



Бухоро вилоят мусикали драма театрининг олдинги кўриниши

■ «ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

Мустақиллик — улуг сўз



Бу дунёда ҳар бир инсон бахтга интилиб яшайди. Бахт — бу, аввало, оилалар мустаҳкамлиги, тинчлиги, орзу-ҳаваслар рўёби... Лекин фақат озод ва обод юрдагина бундай бахтга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Ватанимиз мустақилли-

фикрлар алоҳида таъкидланди. Партия масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, олимлар ва ёшлар мустақиллик энг улуг неъмат экани ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дастлаб Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Меҳрож Дарҳонов Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифалар, уларни амалга оширишда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари иштироки масалалари ҳусусида сўз юритди.


► Давоми 2-бетда.

■ КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ

иқтисодиётимизнинг қон томири, куч-қудратимиз тимсоли

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ягона миллий темирйўл тизими яратилди. Аммо бунга эришиш осон кечмади...



3

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТАЙЛОҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ПУЛЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ, ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН МОДДИЙ ЁРДАМЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

ЎзХДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИ ДАВОМИДА 284 МУРОЖААТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 70 ФОИЗГА ЯҚИНИ ИЖОБИЙ ХАЛ ЭТИЛДИ.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЁЗЁВОН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

«ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН,
МУҚАДДАС ВАТАНИМ,
ЖОНИМ СЕНГА ФИДО,
ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

■ Мустақиллик неъматларидан ҳаммамиз бирдек баҳра олапмиз. Шу кунларнинг қадрига етиб, мустақиллигимиз мустаҳкамлиги учун янада жон куйдириб яшашимиз керак.

Мустақиллик — улуғ сўз

Рустам ҲАСАНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор:

— Мен иқтисодчиман. Аслида иқтисодни ҳам, сиёсатни ҳам, маънавиятни ҳам бир-биридан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асирида моддийлик ва маънавиятни қушнинг икки қанотиға ўхшатса бўлади, дейилган. Одамзод пайдо бўлибдики, мана шу икки эҳтиёжни қондириш учун яшаб келган.

Мустақиллик шунчаки сўз эмас. Мустақиллик фаровон ва бахтли яшаш деганидир. Хуррият ана шу имкониятларни ўзимизнинг қўлимизга топириб, тўқис ҳаётга эришимиз учун кенг йўл очиб берди.

Бир эслайлик, 1990 йилларга қадар мамлакатимиз учун ҳар йили солиқ марказдан бор-йўғи 319 та автомобиль ажратиларди. Ўша пайтларда оддий одамларга машина олиш катта байрам бўлган. Машинаси бор одам обрўли одам ҳисобланган. Бугун эса ҳар бир хонадонда камидан биттадан машина бор.

Собиқ тузум даврида халқимизнинг ҳатто кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилмас эди. Бугун эса озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизда етиштирилипти, дастурхонимиз тўқин, рўзгоримиз бут. Мустақиллик неъматларидан ҳаммамиз бирдек баҳра олапмиз. Шу кунларнинг қадрига етиб, мустақиллигимиз мустаҳкамлиги учун янада жон куйдириб яшашимиз керак.

▲ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Раҳмон ҚҶҶҚОРОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент:

— Ҳозир айрим ёшларимиз ҳаёт ҳар доим ҳозиргидек бўлган, машина, озиқ-овқат, гуруч бугунгидек мўл-кўл бўлган, деб ўйлашади. Ўтган замонлар ҳақида тўлиқ тасаввур қилолмайди. Шунинг учун биз уларга бошимиздан қандай оғир кунлар ўтганини кўрган-кечирганларимиз асосида сўзлаб беришимиз, мустақиллиқни қадрлашга ўргатишимиз керак.

Ўша пайтлар «аксон тийиндан гуруч бўларди: ичи тўла тош, курмак. Шундай

Бир эслайлик, 1990 йилларга қадар мамлакатимиз учун ҳар йили бор-йўғи 319 та автомобиль ажратиларди. Ўша пайтларда оддий одамларга машина олиш катта байрам бўлган. Машинаси бор одам обрўли одам ҳисобланган. Бугун эса ҳар бир хонадонда камидан биттадан машина бор.

замонлар бўлди: тўртта қўйи, иккита моли бор одам сургун қилинди, қамалди. Одамлар ҳаттоки оддий яшаш ҳуқуқидан ҳам мосуво бўлди.

Бугун-чи? Бугун ўша даврлардаги номаълум аскар ҳай-

каллари ўрнига обод Хотира майдонлари барпо этилди. Кимларнингдир назарида номаълум солдатга айланган фарзандлар ёди Она ҳайкали ёнида мангу олов билан бир умр ўчмас хотирага айланди.

Солиддин
САЛОҲИДДИНОВ,
меҳнат фахрийси:

— Ота-боболаримиз орзу қилган кунларни сизу бизга Истиқлол берди. Бугунгидай ёруғ кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Шу боис мустақиллигимизни эъозлашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Ўтмишнинг оғир кунларини ўйласак, бугунги кунларимизнинг қадр-қиммати янада ёрқинроқ намоён бўлади. Мен ўтган кунларимиз, кечирган машаққатли даврларимиз ҳақида фарзандларимга, набираларимга гапириб бераман. Ватанимиз эришган ютуқлардан қувонаман.

Яқинда Ангрен — Поп йўналишидаги темир йўли очилиши маросимида иштирок этиб, юрагим тўқинланди, қалбим фаҳрга, ифтихорга тўлди. Буюк юртимизнинг буюк ишлари бардавом бўлсин, дея ният қилдим.

Куннинг иккинчи ярмида тadbир Паркент туманида кўтаринки руҳда давом этди. У ерда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев, халқ шоири Маҳмуд Тоиров, актёр Ҳамид Тошпўлатов ва бошқа фаоллар мустақиллик, унинг қадр-қиммати ҳақида сўз юритишди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон ХДП Яқкасарой туман кенгаши туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари битирувчилари ва аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этди. Унда тумандаги корхона-ташкilotлар, кичик бизнес субъектлари бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ишга жойлашиш учун

йўлланмалар берилди

Ярмаркада 19 нафар йигит-қиз ўз муҳассилиги бўйича ишга жойлашиш учун корхона ва ташкilotлар билан шартнома имзолади. Шунингдек, 46 нафар вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқароларга ишга жойлашиш бўйича йўлланма ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, тadbирда меҳнат қонунчилиги, уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Ўз ишини бошлаш истагида бўлганларга тижорат банклари ходимлари имтиёзли кредитлардан фойдаланиш ҳақида йўл-йўриқ кўрсатишди.

Моҳинур ИБДУЛЛАЕВА

■ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Масъулият ва маҳорат бош мезонимиз бўлсин

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан йўлланган байрам табригида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Мазкур тadbир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилди. Истиклолнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тугган ролини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб боришмоқда.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз ахборот маконидан мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда.

Амалга оширилган тўб ўзгаришлар натижасида ўтган даврда миллий журналистикамиз, матбаачилигимиз сон ва сифат жиҳатидан тамоман ўзгарди. Ҳозирги вақтда юртимизда 1 минг 400 дан ортқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Айни пайтда миллий теледastурлар сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортқ давлатига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги ҳаёти билан таништирмоқда.

Анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда интернет журналистикаси ҳам тез суръатда ривожланипти. Сўнгги беш йилнинг ўзида ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган веб-сайтлар сони 2 баробар ортқ, 360 га етгани эътиборга молик. Шунингдек, соҳада нодавлат сектор улуши ошиб бораётгани соғлом рақобат муҳити қарор топишига, ходимларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Яратилган шарт-шарoитлар, имкониятларга жавобан ҳолис ва юксак маҳорат ҳамда масъулият билан ишлаш, ижод қилиш ҳар бир журналистнинг бурчидир.

Табриқда қайд этилганидек, журналистларнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тўб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркор.

Семинарда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Мурожаатлар эътиборсиз қолмайди

Метрода кетаётиб, икки аёлнинг берилиб суҳбатлашганига гувоҳ бўлдим. Уларни ўйлантираётган масаланинг ечимини қандай бўлишига қизиқиб, мен ҳам суҳбатга қўшилдим.

Ўзини Шаҳодат Иноғомова деб таништирган аёлнинг айтишига қараганда, акаси уй-жойини кичик набирасига мерос қилиб қолдирмоқчи бўлибди. Бунини эшитган фарзандлари бизнинг ҳам бу уйда ҳаққимиз бор, дея ўз улушини талаб қилиб, меросни ҳаммага тенг тақсимлаб беришни сўраётган экан.

Қизиқишим кучайиб мен ҳам Шаҳодат онага қўшилиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олмазор туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига бордим. Шу баҳонада қабулхона фаолиятини бевосита кузатиб, ўргандим.

Мурожаатни тинглагач, ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси Камоллидин Ақромов бизни 11-сон нотариал идора томон бошлади. Камоллидин ақанинг айтишига кўра, бу юридик идора ҳафтада икки маротаба партия Жамоатчилик қабулхонасига амалий, ҳуқуқий бепул ёрдам кўрсатади. Ҳуқуқшунос Раҳима Жўраева мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат берди. Шу тарзда электротат вакилини ўйлантирган саволга жавоб топилди.

Қабулхонага мурожаат қилувчи фуқаролар кам эмас. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ярмида бу ерга 37 мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти пенсия таъминоти, касб-хунар кол-

лежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, болаларни боғчаларга жойлаш, коммунал соҳа, кредит олиш ҳамда тумандаги ички йўлларни таъмирлаш каби масалалар билан боғлиқ.

Ҳар бир мурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкilotлар ёрдамида ҳал этилибди, қолганларига юридик маслаҳат-

лар берилмоқда.

— Туман ҳудудидаги баъзи бир кўчаларда ёритиш мосламалари йўқлиги аҳолига ноқулайликлар туғдириб келаятган эди, — дейди Камоллидин Ақромов. — «Тараққиёт», «Себзор» маҳаллаларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар шу масала бўйича мурожаат қилди. Мурожаатни ечиш учун депутатларни жалб қилдик. Тегишли ташкilotларга депутатлик сўровлари жўнатилиди. Энг муҳими, интилишларимиз бесамар кетмади. Бугун бу маҳаллалардаги кўчалар ёритиш мосламалари билан таъминланди.

Партиянинг иши қачон кўринади? Қачонки, партия ташкilotи ва депутат бир ёқадан бош чиқариб ишласа.

Олмазор туман кенгаши мурожаатларни ҳал этишда бу борадаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик.

Масалан, яқинда туманда истиқомат қилувчи Мағлуба Тоҳирова соғлигини тиклаш масаласида мурожаат билан келган. Туман партия кенгаши кўмаги билан унга зарур бепул тиббий ёрдам кўрсатилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Туманда 58 маҳалла бор. Бир ойда икки маротаба ҳудудларда депутатлар билан учрашув ташкил этилади. Аҳамиятли жиҳати, партия вакиллари қабулхонага ким, қачон мурожаат қилади, деб кутиб туришмаяпти. Депутатлар билан бирга сайлов ок-


ругларига чиқиб, кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этиляпти.

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиямиз фракцияси аъзоси Шухрат Мамажонов туманимизда бўлди, — дейди туман партия кенгаши раиси ўринбосари Мирзохид Жўраев. — Партия ташкilotлари ҳамкорлигида кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Икки кун давомида туман кенгашимизда парламентдаги вакилимиз фуқароларни қабул қилди. Маҳалламиз аҳли билан бевосита мулоқотда бўлди. Қатор мурожаатлар тушди. Ҳозир депутат ва партия ташкilotи уларни ечиш бўйича иш олиб бормоқда.

Юқоридаги фикрлар ва

руқларига чиқиб, кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этиляпти.

Юқоридаги фикрлар ва




мисоллардан кўриниб турибдики, бугун Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти электротат билан ишлашнинг самарали воситаларидан бири сифатида тобора такомиллашмоқда. Мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ўрганиш, одамларга ёрдам бериш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатиляпти, жойларда юзага келаятган муаммолар бартараф этиляпти.

Зайнуро ТОШМУРОДОВА

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК? (7-мақола)

■ Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларида анча узоқда жойлашган Ўзбекистон учун темир йўл транспорти ўта муҳим аҳамиятга эгалиги ҳеч кимга сир эмас. Айни шу темир йўллар юртимизни жаҳон билан боғлайди.



УИА суратлари

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётимизнинг қон томири, куч-қудратимиз тимсоли

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган бекиёс ютуқларда, айниқса, иқтисодий тараққиётимизда темир йўл қанчалик муҳим роль ўйнаётгани бугун кўпчиликка яхши маълум. Бу соҳада амалга оширилган тарихий ишларимизни дунё эътирофи этиб турибди. Темирйўлчиларнинг матонатли меҳнати ҳам жамоатчилик томонидан олқишланмоқда, муносиб тақдирланмоқда. Бугун биз мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратганимиздан фахрланамиз. Бироқ бу кунларга етиб келиш осон бўлмади, кўп ўйлаш, изланиш, катта маблага, жасоратли қарор, матонатли меҳнат керак бўлди.

Ёши улуг ҳамюртларимиз яхши билишадилар, яқин ўтмишда темир йўлларимиз қандай аҳволда бўлганини. Йўловчи ташийдиган поездлар қатнов жадвалидан тез-тез чиқиб кетар эди. Эски вагонларнинг ойналари синган, темир панжаралар билан тўсилган, ичи димикиб кетган, йиртиқ кўрпа-тўшак, йўловчилар кўпидан Қарши, Бухоро йўналишларидаги поездлар вагонлари тирбанд бўлар эди, йўловчилар тик туриб кетган пайтлар ҳам оз эмасди. Бу вагонларда ёзда нафас олиб бўлмас, қишда эса совуғига чидаш керак эди. СССР парчаланиб, унинг ҳудудидида мустақил давлатлар пайдо бўлгач, темир йўл соҳасида ҳам қатор кескин муаммолар юзга келди. Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқиши учун тўрт томонга қараб юрса ҳам, қўшни мамлакатлар ҳудудидан ўтишига тўри келар эди. Бунинг учун ўзаро келишувлар, шартномалар, йўл ҳаққи масаласини ҳам ҳал қилиш керак эди. Уша олатасири кўнларда, араваани ҳар ким ҳар томонга тортиб баҳслашаётган бир пайтда тил топишиш ҳам осон кечмади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарлар мавжуд темир йўл ахиллигини сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистон таклифларини қўллаб-қувватлади.

1994 йилга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Натижада «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро майдонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди, транзит коридорларидан тенг ҳуқуқлилик асосида фойдаланувчига айланди. Бугунги кунда юртимиз ҳудудидида ўндан ортиқ транзит йўллари кесишади ва бутун дунё сари йўл олади. Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларида анча узоқда жойлашган Ўзбекистон учун темир йўл транспорти ўта муҳим аҳамиятга эгалиги ҳеч кимга сир эмас. Айни шу темир йўллар юртимизни жаҳон билан боғлайди.

Мамлакатимизда ягона темир йўл тизимини барпо этиш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Уларни ҳаётга жорий қилиш, турли ҳудудларда фойдаланиш қазилма конларини тўлиқ ўзлаштириш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш, йўл харажатларини камайтириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш, минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Ана шундай лойиҳалардан бири Навоий — Учкўдук — Мискин — Тўртқўл — Султон Увайистог йўналишидаги янги темир йўлидир. Қизилқум чўли орқали бунёд этилган 342 километрик ушбу темир йўл туфайли ҳудуднинг гуллаб-яшнашига

эришилди. Қанчадан-қанча йўловчилар ва халқ ҳўжалиги юклари ташилиши билан бирга замонавий инфратузилма яратилди.

Янги темир йўлнинг аҳамияти галла ва нефть мустақиллигига қиёсланиш бежиз эмас, мазкур йўналиш бўйича ҳаракатланувчи поездларнинг чегаралош мамлакат ҳудудини четлаб ўтиши туфайли қўшни давлатга юк ташиш учун тўланадиган валюта маблағлари тежалмоқда. Йўловчи поездларда эса одамлар чегаралардаги ортиқча текширувлардан халос бўлишди. Юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган кимёвий ва минерал ўғитлар, қурилиш материалларини жойларга етказиш чоғида қўшни мамлакат ҳудудидан олиб ўтиш билан боғлиқ вақтинча оладиган ортиқча расмиятчиликлар ҳам барҳам топди.

Айниқса, Амурдаё устидан ўтган янги кўприк бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Узунлиги 681 метрни ташкил этган иншоот Тошкент — Урганч йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, илгари транзит учун тўланадиган миллионлаб АҚШ долларини тежалаш имконини берди. Шунингдек, ушбу минтақадаги ерости бойликлари захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринлари яратиш, бу ерда яшаётган одамларнинг турмушини фаровон қилишга эришилди. Бундан беш йил аввал эса Буюк Ипак йўлида сайёҳликни ривожлантириш доирасида икки қадимий шаҳар — Бухоро ва Хивани боғловчи тезкор йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» темир йўли денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги Хисор тоғ тизмалари оша 42 ноёб кўприк, 564 та сунъий иншоот орқали ўтади. Узунлиги 223 километр. Магистрал замонавий оптик-тонали алоқа билан жиҳозланди. Станция ва развездларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, шу жумладан, юклаш ва юк тушириш, темир йўл юкларини жақлаш, машина ва механизмларни жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини ташкил этишга доир замонавий талабларга жавоб берувчи подстанциялар, энергия таъминоти ва алоқа линиялари, юк омборлари бунёд этилди. Янги темир йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга қисқарди.

Янги магистралнинг ишга туширилиши ушбу минтақа саноатининг кўплаб тармоқларини, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўлай шароит яратди, янги истикболларни очиб берди. Жумладан, Хонжиза полиметалл, Шарғун ва Бойсун кўмир конларини ўзлаштириш, цемент

заводларини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Йилга 700 минг тонна рудани қайта ишловчи ва 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқарувчи завод бунёд этилди. Шунингдек, бу йўл кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қўлай имкониятлар яратди — гишт, шағал ишлаб чиқариш қуваига эга заводлар фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда бу йўллардан республикамизнинг Ангрен ГРЭСи, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Шарғункўмир», «Шўртангаз» каби корхоналар фойдаланмоқда.

2010 йилнинг 22 январь куни дунё ҳамжамияти назарига тушган лойиҳа — 75 километрик «Хайратон — Мозори Шариф» темир йўли қурилиши бошлаб юборилди. 106 километр темир йўл қурилди, 3 станция, 2 развезд, 16 переезд, 32 сунъий иншоот ва 20 та техник бино қурилди. Темир йўл линияси Ўзбекистон Республикаси стандартларига мос келадиган замонавий телекоммуникациялар, сигнализация ва электр тармоғи билан таъминланди. 4 ноябрь куни, яъни белгиланган муддатдан 130 кун илгари қурилиш ишлари нихоясига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги «Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маълумки, ушбу темир йўлнинг узунлиги 123,1 километрни ташкил этади. Лойиҳа доирасида 19,2 километр туннель, 285 сунъий иншоот, ўртача баландлиги 25 метрлик 15 кўприк, 6 йўл ўтказгич қурилди. Бундан ташқари 4 та темир йўл станцияси, 4 развезд ва 2 вокзал қуриб битказилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур лойиҳа тоғли ҳудудда, мураккаб шароитларда барпо этилгани билан дунёда 8-ўринда, узунлиги бўйича эса 13-ўринда туради. МДХ давлатлари орасида эса ягона ҳисобланган туннель қурилиши жадал олиб борилди. Тўртта ҳудудда махсус майдончалар ташкил этилиб, ташқи инфратузилма алоқа, сув ва электр таъминоти билан тўлиқ таъминланди. 600 дан зиёд замонавий қудратли техникалардан фойдаланилди. 1000 нафардан зиёд хитойлик мутахассислар, 3000 нафардан ортиқ темирйўлчиларимиз меҳнат қилишди.

2016 йил 22 июнда пойтахтимиздаги «Ўзэксомарказ»да бўлиб ўтган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Ушбу маросимда Президентимиз шундай деди: — **Қурилиш давомида Ўзбекистон ва Хитой курувчилари, муҳандислари, мутахассислари ахил ҳамкорликда меҳнат қилиб, юксак касб маҳоратини намоён этди. Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради ва жаҳон амалиётида ноёб лойиҳадир. Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши юк ташиш бўйича вақт ва маблағ тежалаш имконини беради, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салохиятини кескин оширади. Ўзбекистон иқтисодиётининг**

барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва ушбу лойиҳа доирасида бунёд этилган туннелининг сифатига жуда катта эътибор қаратилди. Бажарилган ишларнинг халқаро амалиётда қабул қилинган меёр ва стандартлар талабларига мувофиқлиги Германиянинг «DB International GbH» компаниясининг мутахассислари томонидан назорат қилиб борилди.

— Ўттиз икки ойда мазкур йирик темир йўл линияси ва Қамчиқ туннелининг қуриб фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон иқтисодиёти ва тараққиёти учун жуда катта аҳамиятга эга, — дейди «Engineering & Consulting» компанияси (Германия) масъул ходими, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли лойиҳа бошқарувчиси **Якоб Шонс**. — Мен темир йўл соҳасида 40 йилдан зиёд меҳнат қилиб келмоқдам. Дунёнинг кўп мамлакатларидаги темир йўл ва туннель қурилиш лойиҳаларида иштирок этганман. Ушбу иншоот энг юксак халқаро нормаларга жавоб беради.

— Бугунги кунда жаҳонда ва айниқса, минтақамизда ўз бераётган чўқур ва изчил сиёсий-иқтисодий жараёнлар мавжуд транспорт йўлакларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, йирик халқаро бозорлар ва фаол шаклланиб бораётган истикболли бозорларни боғлайдиган йўналишларни очиб ва ўзлаштириш нитазоэтаётгани боис Ўзбекистон темир йўллари ҳам хорижлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Тоштемирйўл» филиал директори **Холмурод Исмоилов**. — Компаниямиз қатор давлатлар билан халқаро ташкилотлар доирасида самарали фаолият юритмоқда. Масалан, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик натижасини ҳамма кўриб турибди...

— Шўролар даврида Тошкентдан водий вилоятларига фақат Тожикистон орқали бориб келинарди, ҳоҳ автомобилда, ҳоҳ поездда бўлсин, барибир масофа анча олис эди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи **Ўринбосари Эркин Уматов**. — Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида эса транзит нархи ошиб кетди. Йўловчилар ташиш ҳам, юклари етказиб бериш ҳам қўмнатга тушарди. Нихоят, Ўзбекистон Президентининг сайёҳаракати билан Қамчиқ домини орқали автомобил йўли қуриldи, бу муаммо бирмунча ҳал бўлди. Лекин муаммони тўлиқ ҳал этиш учун темир йўл қурилиши зарур эди. Янги темир йўлнинг қурилиши наинки, водий вилоятларида борди-қелдини яхшилаиди, балки Осиё кётэсини Европа билан боғлашга ҳам хизмат қилади. Поездлар транзитидан ҳам анчагина валюта тежал қилинади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ягона миллий темир йўл тизими яратилди. Энди мамлакатимиздаги темир йўлларнинг узунлиги 6500 километрни ташкил этади. Истиқлол йилларида 3 минг 800 километр темир йўл қайтадан модернизация қилинди. 1200 километр масофага пўлат излар ётқизилди, шунингдек, 1630 километр темир йўл магистраллари тўлиқ электрлаштирилди. Хозирги пайтда Самарқанд — Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари қизгин кетаяпти.

Зеро, ҳудудий линияларни электрлаштириш — йўловчи ва юк поездларининг хавфсиз, ишончли ва тезкор ҳаракатланишини ҳамда эксплуатация сарф-харажатларини камайтириш имконини беради. Компания мутахассислари ўтган йиллар мобайнида лойиҳа институтларининг етакчи муҳандислари иштирокида Тошкент — Хўжакент, Тўқимачи — Ангрен, Тошкент — Самарқанд каби темир йўл участкалари электрлаштирилиб, ундан халқимиз фойдаланмоқда. Яқинда 140 километрик Мароканд — Қарши участкасида электрлаштириш ишлари якунланди. 325 километрик Қарши — Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш, икки томонлама қатновга эга бўлган Жизза — Янгиер электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилишининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича анча иш қилинди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ўтган йилнинг ўзига 34,5 миллиард сўмлик 24 лойиҳа амалга оширилиши керак эди. Аслида 37,2 миллиард сўмлик махсусот ишлаб чиқарилдики, бунинг асосий қисмини янги юк ва йўловчи вагонлари ташкил этади. Бундан ташқари кўплаб таъмирлаш ишлари ҳам бажарилди.

— Компаниямиз истиқлол йилларида доимий равишда локомтив паркинни янгилаб келмоқда, — дейди «Ўзтемирйўл» филиал директори **Алишер Норходжаев**. — Мен бу ерда амалга оширилаётган эзгу ишлардан беҳад шодман. Иш самардорлиги ва сифатини ошириш, харажатларни камайтириб, даромадларни кўпайтириш йўлидан боришмоқда. Шу боис, поездларда йўловчи микдори анча ошди. Нафқат халқаро, балки маҳаллий йўналишларда ҳам йўловчилар кўпайиб бормоқда. Уларга яратилаётган шарт-шароитлар бунинг омили бўлаётди. «Ўзтемирйўл» филиал дирекцияси 28 вокзал, барча бекатлар замонавий талаблар даражасида жиҳозланган, йўловчилар учун интернет заллари, кинозал, юкори комфортли дам олиш хоналари, сартарошонлар ишлаб турибди. Ўзбекистон темир йўллари» АЖ локомтив паркига янги электровозларни харид қилиш инвестицион лойиҳасига мувофиқ Хитойдан кўплаб электровозлар келтирилди. Ўзбекистондаги темир йўллар тобора электрлаштирилиб борилаётганлиги бунга имкон бермоқда. Агар бундан ўн уч йил аввал, яъни 2003 йилда Хитойдан дастлабки электровозлар келтирилган бўлса, ҳозир улар сони 49 тага етди. Яқин йиллар ичида электрлаштирилган темир йўллар масофаси 2000 километрга етказилади. Эскириб қолган локомтивлар ўрнини янги электровозлар эгаллайди. Ушунда йўловчи поездларнинг тезлиги 160 километр соатга, юк поездлари тезлиги эса 120 километр соатга етади.

Бундан олти йил аввал Самарқанд — Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича қатновчи тезорар 3/4 рақамли «Регистон» экспресс поезди ҳаракати бошланганди. Бу мамлакатимиз транспорти соҳасида катта воқеа бўлган эди. Бу поезд 3,5 соатда манзилга етади. Поезддаги 6 вагон яхшилаб жиҳозланган бўлиб, йўловчилар учун барча қўлайликлар яратилган. 210 нафар йўловчи тезда манзилга етказилади. Кейинчалик Қаршига қатновчи «Насаф», Бухорога қатновчи «Шарк» экспресс поездлари қатнови бошланди. Булар ҳам халқимизга манзур бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2009 йилнинг июни ойида Испанияга ташрифи доирасида эришилган келишувга биноан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда Испаниянинг «Patentes Talgo S.A.» компанияси ўртасида юкори тезликдаги йўловчи ташиш электропоездларни сотиб олиш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум имзоланганди. Истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида ушбу поездлар Ўзбекистонга олиб келинди. Тошкент билан Самарқандни боғлайдиган «Afrosiyob» номли бу поезд жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Бундай тезкор поезд нафақат Марказий Осиё, балки бутун Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ягона бўлиб, масофа 2 соатда босиб ўтилади. Ўтган йилнинг 22 август куни «Afrosiyob» электр поезди Тошкент — Самарқанд — Қарши йўналиши бўйича илк қатновини амалга оширди. Пойтахтдан ҳаракатини бошлаган поезд 510 километр масофани бор-йўғи уч соатда босиб ўтди.

Дунё бўйича бу каби поездлар қатнови атиги 17 давлатда йўлга қўйилган. Бу давлатлар орасида Ўзбекистонимизнинг ҳам борлиги фахрлидир.

«Ўзтемирйўл» филиал директори **Алишер Норходжаев** унитар корхонаси темир йўл тизимидаги энг тўғри сановат корхонаси бўлиб, у 115 йиллик тарихга эга. Истиқлол йилларида завод энг замонавий технология жараёнларга эга бўлган янги ишлаб чиқариш усулларини режа асосида жадал ўзлаштирмоқда. Завод муҳандис-техник ходимлари ва малакали мутахассислар томонидан тепловозлар модернизация қилинмоқда. Жумладан, 2Т210М-руссумли тепловозларга тежамкор ва қуввати 3000 от кучига эга бўлган 1Т19ДГ русумли двигателлар ўрнатиш ҳамда тепловозлар қисиларига тегишли ўзгартришлар қиритиш орқали 2,3 ва 4 секцияли замонавий «YSTE 16 М» русумли тепловозлар ишлаб чиқарилди.

«Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖда эса янги авлод йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда йилга 450 та йўловчи вагонлар капитал таъмирланмоқда. Хозирги пайтда Самарқанд, Қарши ва Бухорога қатнаётган замонавий, ҳар томонлама қўлай «Регистон», «Насаф» ва «Шарк» поездларининг вагонлари ҳам шу ерда ишлаб чиқарилган. «Андижон механика заводи» шўба корхонаси эса янги лойиҳалар асосида ишламоқда. Бу корхонада юк вагонларини қуриш, модернизация қилиш, капитал таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо қисқа қилиб айтганда, мамлакатимизда бунёд этилган ягона миллий темир йўл тизими ҳали янада ривожланади. Юртимиз иқтисодий қудрати, халқимиз турмуши фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаверади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

■ Фотосуратларимиз бу гал Бухоронинг бугунги камоли ва кечаги аянчли аҳволдан сўзлайди.

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Истиқлол йилларида Бухорода замонавий инфратузилмани тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни янада яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сайёҳликни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 145 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 2180 га етди.

2002 йилда қайта бунёд этилган Бухоро спорт мажмуаси янги-ча кўринишга эга бўлди. 20 минг

томошабинга мўлжалланган спорт мажмуаси тикланди, спортчилар учун барча қулайликлар яратилди.

«Бухоро» халқаро аэропортининг янги терминали, вилоят перинатал маркази, қатор ўқув муассасалари ва ташкилотларнинг замонавий бинолари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари қурилди. Бухоро шаҳридаги Марказий деҳқон бозори қайтадан барпо этилди. Асори атиқалар таъмирланиб, уларнинг тарихий қиёфаси тикланди. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан Абдуҳалиқ Ғиждувоний, Баҳроуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод этилди.

Кўҳна ва навқирон Бухорода сайёҳлик тизими ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бугун вилоятда 93 меҳмонхона, 38 туристик фирма қунига 4 минг 500 дан зиёд сайёҳга халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Истиқлолнинг дастлабки йиллари билан таққослаганда, вилоятга келаётган сайёҳлар оқими бир неча баробарга кўпайди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шaroитини яхшилаш ва обод қилиш бўйича давлат дастури асосида қилинаётган ишлар кишиларнинг ҳаёт тарзи, дунёқарашини тубдан

ўзгартирмоқда. Ўтган даврда вилоятда 174 массивда намунавий лойиҳалар асосида 4 минг 277 қишлоқ уйлари бунёд этилди.

Кейинги ўн йилда 68 соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 13 тиббиёт муассасаси ҳамда 22 қишлоқ врачлик пункти янгидан қурилди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро кундан-кунга кўкка бўй чўзмоқда, яшнамоқда. Яхшиси, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлинг. Фотосуратларимиз бу гал Бухоронинг бугунги камоли ва кечаги аянчли аҳволдан сўзлайди.


БУХОРО: БУГУН ВА КЕЧА



Минораи Калон (Катта минора) меъморий мажмуаси: бугун ва кеча.



Бухоро кўчаларининг ҳозирги кўрки ва олдинги қиёфаси.




Бухоро Арк қалъасининг бугунги кўриниши ва шўролар замонидаги аҳволи.



Бухоронинг бугунги халқаро аэропорти. Совет замонидан қолган кўримсиз эски аэропортнинг мустақиллик бошида реконструкция қилингандан кейинги кўриниши шундай эди.



Бухоро вилоят перинатал маркази мана шундай бўм-бўш майдонда қад ростлади.



ТЕННИС

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида норасмий жаҳон чемпионати — Дэвис кубогининг Осиё ва Океания минтақаси биринчи гуруҳ учрашуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси хитойлик ракетчиларга қарши баҳс юритди.

Дэвис кубоги:

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ — 3:2

Дастлабки кун муҳлислар икки учрашув гувоҳи бўлишди: Фаррух Дўстов — Зе Жанг — 1:3 (6/1, 4/6, 4/6, 2/6), Денис Истомин — Ди Бу — 3:0 (6/4, 6/4, 6/2).

Иккинчи кун ўтказилган жуфтлик баҳсларида Денис Истомин ҳамда Фаррух Дўстов «дуэти» хитойлик Маохин Гонг/Же Лиларни енгди — 3:1 (6/3, 3/6, 6/3, 6/4).

Кейинги босқич йўлланмаси тақдири сўнгги кунги баҳсларда ҳал бўлди. Дастлаб

кортага Денис Истомин ва хитойлик Зе Жанг тушди — 2:3 (6/3, 5/7, 6/2, 1/6, 4/6).

Охириги учрашувда Фаррух Дўстов мутахассис ва муҳлисларимиз ишончини оқлади. Хитойлик Ди Вуга қарши кортага чиққан ҳамюртимиз рақибини уч сетда ҳам маглубиятга (7/6, 6/3, 7/6) учратиб, терма жамоамизнинг 3:2 ҳисобидаги умумий ғалабасини таъминлади.

Мадина АЛЛАЁРОВА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Агробанк» — юрт тараққиётига камарбаста

Мамлакатимиз банк тизими барқарор фаолият юритаётгани нуфузли жаҳон рейтинг ташкилотлари томонидан эътироф этиб келинмоқда. Чунончи, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки фаолияти яқинда «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «барқарор» дея қайта баҳоланди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, «Агробанк» саноат, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари, оилавий бизнес ва хўсурий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши ва янги иш ўринларини ташкил этилишига фавқулодда кўмаклашиб келмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётнинг турли йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштиришга жами 2 триллион 657 миллиард сўм, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 997 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Молиялаштирилган турли лойиҳалар ҳисобидан жойларда 15,6 минг янги иш ўрни яратилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ, жорий йилнинг биринчи чорагида 2620 лойиҳани молиялаштиришга 231 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, Озбек-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулотлар ҳажмини ошириш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 42,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Президентимизнинг кичик бизнес ва хўсурий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида соҳа субъектларига 658 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди.

Аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини молиялаштиришга 191,2 миллиард сўм, ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 138,6 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эса 41,5 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

«Агробанк» АТБ томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида янги иш ўринлари

ташкил этиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларни кредитлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 70,4 миллиард сўм, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 21,5 миллиард сўм кредитлар ажратилди.



Хизматлар лицензияланган.

Банк томонидан замонавий ахборот технологиялари асосланган хизматлар кўламини ривожлантириш борасида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хизматлар сифатини ошириш мақсадида жорий қилинган «Интернет банкинг» тизимига уланган миқозлар сони 13,8 минг, «Мобил-банкнинг» хизматидан фойдаланилаётган миқозлар сони 548 мингдан ортиди.

Банк томонидан ўрнатилган терминаллар сони 30474 тага, тарқатилган пластик картчалар сони 3 миллион 478 мингтага етказилди.

Пластик картчалар билан ишлаш тизимида замонавий интерактив хизмат турларини ривожлантириш юзасидан қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пластик картчалардаги маблағлардан мобил

бермоқдамиз. Жорий йилда парранда сонини 25 мингтага етказишни режалаштирганман.

— Бугун давлатимиз томонидан ёшлар ўз ишини бошлаши учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди Иштихон қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Меҳриддин Ибрагимов. — Бундан унумли фойдаланган ҳолда турли ўлчамдаги полистилен трубалар ишлаб чиқариш ускунасини харид қилиб, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан олиб чиқариш ускунасини харид қилиб, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдим.

Бобур ШАИМКУЛОВ

ЭЪЛОН

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2015 йил 14 ноябрь, 133-сонидан берилган эълондаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансдаги д/р 01/943UAA бўлган «ИВЕКО-М29» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2016 йил 27 июндаги 03/16-39-16-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олигини янги маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
9052
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 23:00
Toshirilgan vaqti — 00:10
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusallim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5 6